

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил махсус сон**



**Боши мұхаррір:** Наманган давлат университети ректоры С.Т.Тургунов

**Масъул мұхаррір:** Илмий ишлар ва инновациялар бүйічі проректор М.Р.Қодирхонов

**Масъул мұхаррір үринбосари:** Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёrlаши бўлими бошлиги Р.Жалалов

## ТАҲРИРҲАЙТАТИ

**Физика-математика фанлари:** акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аззамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов. ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

**Кимё фанлари:** акад.С.Раширова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

**Биология фанлари:** акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.д. Н.Абдураҳмонов.

**Техника фанлари:** - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари:** - г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

**Тарих фанлари:** - акад. А.Аскаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д., проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

**Иқтисодиёт фанлари:** - и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

**Фалсафа фанлари:** -ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

**Филология фанлари:** - акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н., доц.М. Сулаймонов.

**География фанлари:** - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

**Педагогика фанлари:** - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, п.ф.д., проф Ӯ.Аскарова, п.ф.н., доц. М.Нишонов, PhD П.Лутфуллаев.

**Тиббиёт фанлари:** - б.ф.д. Ф.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

**Психология фанлари** – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

**Техник мұхаррір:** Н.Юсупов

**Таҳририят манзили:** Наманган шаҳри, Уйчи қўчаси, 316-уй.

**Тел:** (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** [ilmiy@inbox.uz](mailto:ilmiy@inbox.uz)

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиши тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақами гувоҳномаси хамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 27.10.2021 йилдаги кенгайтирилган ийгилишида муҳокама қилиниб,

илмий тўплам сифатида чоп этишига рухсат этилган (Баённома № 13). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

## НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021



**БОЛАГА ИККИНЧИ ТИЛНИ ЎРГАТИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Эргашева Хилола Юнусхановна,

Наманган давлат университети ўқитувчиси

*ergasheva.xilola@inbox.ru*

**Аннотация:** Ушбу мақолада мактабгача ёшидаги болаларга иккинчи тил машгулотларида психологик эътиборнинг самарали аҳамияти ва дарс жараёнида тегишили ҳиссий шартшароитни ташкиллашириши, машгулотда болаларда иккинчи тилига бўлган жонли қизиқшини кучайтирадиган самарали ҳиссий рагбат воситаларидан самарали фойдаланилишини хисобга олии назарда тутилади.

**Таянч сўз ва тушунчалар:** ҳиссий муҳит, иккинчи тилни ўқитиши, ҳиссий рагбат, салбий муносабат, ижобий ҳиссиётлар, оғзаки кўнукма, сенсор эҳтиёж, психологоик муҳит

**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ОБУЧЕНИЯ ВТОРОМУ ЯЗЫКУ РЕБЕНКА**

Эргашева Хилола Юнусхановна

НамГУ

*ergasheva.xilola@inbox.ru*

**Аннотация:** В этой статье рассматривается важность психологического внимания к занятиям вторым языком дошкольников и организации соответствующих эмоциональных условий в классе, а также эффективное использование эффективных эмоциональных стимулов для стимулирования интереса детей ко второму языку.

**Ключевые слова и понятия:** эмоциональная среда, изучение второго языка, эмоциональный стимул, негативное отношение, позитивные эмоции, речевые навыки, сенсорные потребности, психологическая среда

**PSYCHOLOGICAL FEATURES OF TEACHING A SECOND LANGUAGE A CHILD**

Ergasheva X.Y.

NamSU

*ergasheva.xilola@inbox.ru*

**Annotation:** This article discusses the importance of psychological attention to preschool classes in the second language and the organization of appropriate emotional conditions in the classroom, as well as the effective use of effective emotional stimuli to stimulate children's interest in the second language.

**Key words and concepts:** emotional environment, second language learning, emotional stimulus, negative attitude, positive emotions, verbal skills, sensory needs, psychological environment

Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг иккинчи тилни муваффақиятли ўзлаштириб олишлари наъфақат объектив вазиятларга балки субъектив шартшароитларга ҳам боғлиқдир. Буларнинг ичидаги тилнинг ўзига нисбатан ва уни эгаллаб олиш жараёнига нисбатан шахс сифатида ёндашув, аниқроғи уни ўзлаштиришга бўлган истак ҳам муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Агар болаларнинг ўзлари ушбу жараёнга бефарқ бўлсалар ва унда иштирок этишга интилмасалар, кўргазмали ўқув куролларининг қанчалик тўлиқ ва мукаммаллигига, таълим жараёни қанчалик самарали методлар ва усуслар билан олиб борилаётганига қарамасдан кутилган самарали натижаларга



эришиш муваффақиятсиз кечади. Тажрибада эса иккинчи тилга ўргатиш жараёнида машғулотлар, фаолиятларнинг ҳиссиёт билан боғлиқ жиҳатларига кўпинча етарли даражада эътибор берилмайди ва бу болаларнинг зарур ўкув дастурини ўзлаштирмасликларига олиб келади.

В.А.Сухомлинскийнинг таъкидлашича, агар таълим жараёнида тегишли ҳиссий шарт-шароит мавжуд бўлмаса, машғулотда болаларда иккинчи тилга бўлган жонли қизиқиши кучайтирадиган самарали ҳиссий рағбат воситаларидан фойдаланилмаса, энг яхши дарс услуби ҳам яхши натижага бермайди<sup>92</sup>.

Энг яхши тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ҳиссиёт омили фикрлаш жараёнига тааллуқидир, у ахборотни ишлаб чиқиши жараёнларини назорат қилиш ва тартибга солиш учун зарурдир. Инсоннинг фикрлаши ўзининг алоҳида мотивлари ва эҳтиёжларига эга.

Ақлий ҳиссиётлар инсон руҳиятидаги фикрлаш ва ҳиссиёт соҳаларининг амалда бир-бирига қўшилиб кетганинг ёрқин ифодасидир. Бунга ҳиссиётга қизиқувчанлик, ҳақиқатни яхши кўриш, кутиш, шубҳаланиш, ҳайрон қолиш, завқланиш, доно фикрга лол бўлиш, секин фикрлашдан ҳафсаласи пир бўлиш, тушунмаслик азоби ва ҳоказолар киради. Ақлий ҳиссиётлар “оғушида” инсон ўзининг ақлий фаолиятини қузатиб боради ва фикрлаш жараёнининг айрим жиҳатларини тартибга солади.

Маълумки, шахстга ўз она тилидан бошқа тилни (рус, ўзбек, инглиз ва бошқ.) ўргатишга одатда, бир неча йиллар кетади, лекин амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бу борада эришилган ижобий натижалар жуда паст даражада. Нима учун шундай? Балки, одатдаги ўкув жараёнида фақат хотира ва нутқ марказлари ишлаши ва ҳиссиёт соҳасининг ишга туширилмаслиги учун шундайдир. Педагогнинг вазифаси ҳиссиётни қизиқарли ўйинга “кўшиб юбориш”дан иборат ва ана шунда натижага ҳайратланарли бўлади.

Чет тилга оид билимларнинг тўлиқ ўзлаштирилиши учун улар нафақат тушунарли бўлиши, балки ўқувчилар томонидан ҳис қилиниши ҳам лозим. Ўқувчилар кўпинча бошидан кечирадиган ҳиссий “очлик” ушбу тилни ўрганишга нисбатан салбий муносабатни, қаршиликни, олинаётган ахборотни қабул қиласлик истагини шакллантиради. Ижобий ҳиссиётлар эса аксинча, асаб тўқималарининг уйғонувчанлигини оширади ва руҳий жиҳатдан тартибга солишни яхшилайди, бу эса ўкув материалини нисбатан енгил ва мустакил қабул қилишга ёрдам беради.

Чет тили дарсларида ҳиссий мухит яратилишига тўқсиналиктан килувчи сабаблар нималардан иборат?

Бундай сабаблардан бири шуки, болалар гурӯхи педагог томонидан яхлит бир бутунлик сифатида қабул қилинади ва унда барча болалар ўкув материалини бир хил қабул қиласликлар, деган хато тасаввурни шакллантиради.

Педагог билан болалар ўргасида катта оралиқ масофа мавжуд бўлган ҳолатларда у имкон даражасида барча воситалар ёрдамида бу масофани қисқартиришга ҳаракат

<sup>92</sup> Халилова Ш.Т., Рўзметова М.Ш., Носиров А. аа бошқалар. Бошланғич синфларда чет тилини ўқитишининг психологик асослари ва самарали технологиялари. – Тошкент: Маънавият, 2015. 456.



қилиши, ҳар бир боланинг ёнига бориши ва улар билан тушунарли тилда сўзлашиши лозим.

Таълим жараёнида болалар билан жонли ва узвий мулоқот жуда зарурдир. У нафақат тил воситалари ёрдамида, балки ёқимли табассум, илиқ назар, жалб қилувчи талаффуз ёрдамида ҳам амалга оширилиши лозим, машғулот жараёнида зўрмазўракилик ҳолатларининг олдини олишга интилиш зарур. Қачонки, педагог болаларни чуқур ҳурмат қилимас экан, ўргадаги сунъийликни олиб ташламас экан, болалар фақат бу машғулотнинг тезроқ тугашини орзу қилиб ўтирадилар.

Амалиётда ўқитувчилар кўпинча иккинчи тил машғулотларида мутлақ жимжитлик ва “темир” интизом ўрнатишга интиладилар.<sup>93</sup> Бундай дарсларда одатда, ҳаммаси аниқ режалаштириб қўйилган, фақат бир нарса, яъни - жонли муҳит, ижодий жараён, билим олишга бўлган ҳақиқий интилиш йўқ. Ҳиссий кечинмаларсиз, педагог билан болалар ўргасидаги дўстона муносабатларсиз, қизиқишиз таълимда яхши натижаларга эришиб бўлмайди. Янги ўқув материали нафақат тушунарли бўлганида, балки у чуқур ҳис қилинган тақдирдагина бола тўлақонли, мустаҳкам билим олди, дейиш мумкин. Моҳирона берилган янги билимлар болалар қалбида қувончли ҳаяжон хисларини уйғотиши лозим.

Баъзан ҳақли савол тугилади: нима учун замонавий техника воситалари, пухта ишлаб чиқилган таълим методикаси, ҳар хил самарали машқлар ўрин олган турли ўқув-методик кўлланмалар мавжудлиги шароитида биз иккинчи тилни ўргатиши жараёнида ҳар доим ҳам яхши натижаларга эриша олмаймиз? Нима учун болалар бир ўқитувчининг дарсида жон деб чет тилни ўрганишадио, бошқасининг дарсида тезроқ машғулот тугашини интиқлик билан кутишади? Бу ҳолатда дарсда ҳиссий муҳит яратилишининг сабабчиси педагогнинг ўзиdir, зеро у нафақат машғулот мазмуни ҳақида, нафақат ўқув материалини болаларга етказиш шакли ҳақида, балки яхши кайфият яратиш ҳақида ҳам қайгуриши даркор.

Ўқитувчи белгилантан машғулот режасини бажаришга интилиб, кўпинча ўрганилаётган материал болаларда қандай ҳислар уйғотаётганини, уларнинг ҳар бири ўқитувчининг сўзларига қандай шахсий муносабат билдираётганини унугиб қўяди.

Болаларни ҳаяжонланишга, ҳайрон қолишга ва ҳайратланишга мажбур қилган билимлар энг мустаҳкам билимлар ҳисобланади, шунинг учун ўқитувчи машғулотларда шундай ҳолат яратиши керакки, токи бола, биринчидан, зарур материални ўзга тилда гапириб беришга мажбур бўлсин ва, иккинчидан, у бу нарсани хоҳиш-истак билан ва ўз ташаббусига кўра қиласин.

Болаларга иккинчи тилни ўргатишдан асосий мақсад, болалар чет тилини фаолият ёндошувига биноан ўйин тарзида ўрганишлари, шунингдек, уларнинг ҳиссий, ижодий, ижтимоий ва тил кўникумаларининг шаклланишига ҳисса қўшишдан иборатдир. Мактабгача таълим ёшидаги болаларга иккинчи тилни ўргатишнинг ўзига хос ижобий тарафлари бўлиб, улар боланинг қизиқувчанлик, мулоқотга киришимлилик, билишга интилиш, тақлид қилишга мойиллик каби руҳий ва жисмоний хусусиятларга,

<sup>93</sup> Таджибаева Д.А. Болалар учун чет тили. Мактабгача таълим муассасалари ва бошланғич синфларда чет тилидан дарс бераётган ўқитувчилар учун методик тавсиялар. - Т.: Навруз, 2016. 786.



шунингдек, бирор сўзни талаффуз этишдаги ҳаракатларига йўналтирилиши керак. Болалар барча янги нарсаларни тез қабул қилади, айниқса уларга ўйин тарзидағи ва мажбуриятлариз янгиликлар берилиши мақсадга мувофиқ. Улар такрорий тинглашлар орқали ўқигилади ва натижада болаларда гапириш қобилияти ривожланади. Аксарият тадқиқотчиларнинг фикрича 6-9 ёшда болалар чет тилини ўрганиш жараёнини ўйинлар ўйнаш ва ўз тенгдошлари томонидан уларнинг ҳаракатлари баҳоланиши орқали самарали амалга оширилади. Бу даврда болалар миисининг эластиклиги барча нарсаларни, шу билан бирга тилини осонлик билан ўрганиш имконини беради, бу жараён катта ёшдагилар учун нисбатан мураккаб кечади. 6-7 ёшлы болалар тил материалларини осон ва тез ёдлаб оладилар, уларда бошқа тилда мулоқотга киришда юзага келадиган кўркув йўқ. Бундан ташқари, бу ёшдаги болалар фаолиятининг асосини ўйин ташкил этганилиги сабабли тил ўрганиш жараёни янада қизиқарли бўлади. Буларнинг барчаси бу ёшда коммуникатив талаб ва чет тилида уларни айта олиш имконини беради. 8-9 ёшда бола мантикий фикрлай бошлайди ва у когнитив, ҳиссий ва ижтимоий масалаларда ўзини кўрсата бошлайди. Аста- секин бола мураккаб абстракт операцияларни бажара бошлайди. Тил борасида эса контекстдан ташқари бўлган моҳиятни англай бошлайди. Бу ёшда бола морфология ва синтаксисни тезроқ қабул қила бошлайди, айниқса эслаб қолиш билан бирга эшитганларини ёдлаб олиш қобилияти ҳам яхши ривожланади. Ривожланётган бола тобора катта ҳажмдаги ахборотларни саралайди ва қайта ишлай бошлайди. Боланинг физиологик ва руҳий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда чет тилини ўқигишини интенсивлаштириш лозим, бу ўз навбатида боланинг тили, умумий маданиятини шакллантиришга, интеллектуал қобилиятини ривожлантиришга, шунингдек, бошқа фанларни ўзлаштиришга, бошқа чет тилини ўрганишга иштиёқ ўйғотишига таъсир кўрсатади.

Бутунги кунда, амалий жиҳатдан мактабгача таълим муассасаларига инновациялар киригилмоқда. Айниқса “Ўзбекистон Республикасининг ilk ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига кўйиладиган Давлат талаблари”<sup>94</sup> муҳим аҳамиятта эга.

**Давлат талаблари тутгилгандан етти ёшгача бўлган болаларнинг куйидаги бешта асосий ривожланиш соҳаларига бўлинган:жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши; ижтимоий-ҳиссий ривожланиш; нутқ, мулоқот, ўқиши ва ёзиш кўнинмалари; билиш жараёнининг ривожланиши; ижодий ривожланиш. Мазкур ҳар бир ривожланиш соҳаси ўз ўрнида кичик соҳаларга бўлинган. Улар мактабгача таълим муассасаларнинг ҳар бир ёш гурухига мос талаблардан иборат.**

Давлат талаблари асосида «Илк қадам»<sup>95</sup> мактабгача таълим муассасасининг давлат ўкув дастури Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигиқарори билан тасдиқланган.

«Илк қадам» дастур номининг фалсафий мазмуни – билимлар дунёсига биринчи қадам, биринчи муваффақият, гўзаллик, яхшилиқ, самимийлик – миллий ва умуминсоний қадриятларни тарбиялашнинг ilk асосларидири.

<sup>94</sup> Ўзбекистон Республикасининг ilk ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига кўйиладиган Давлат талаблари. – Т., 2018

<sup>95</sup> «Илк қадам» мактабгача таълим муассасасининг давлат ўкув дастури. –Т., 2018



Дастурнинг мазмуни – ижтимоий ҳодисалар, инсон ва унинг фаолияти, хулқ-атвор меъёрлари, санъатнинг жанр ва турлари, жонли ва жонсиз табиат, катталар ва тенгдошлар билан вазиятта мос равишда мулоқот қилиш кабилардан ташкил топган.

“Илк қадам” дастурига биноан мактабгача таълим муассасасининг турли ёш гурухларининг: «Тил ва нутқ», «Илм-фан ва табиат», «Қурилиш ва конструкциялаш», «Санъат» «Сюжет-ролли ўйинлар ва драмалаштириш» фаоллик марказларида болалар билан иш олиб борилишига қаратилган.

Бу борадаги кузатишлар ва уларнинг таҳлили, қатор ютуқлар билан бир қаторда мавжуд қийинчиликларни аниқлашта ва асосли баъзи таклифлар киригишга бизга имкон берди.

Мактабгача таълим соҳасида мактабгача ёшдаги болани жисмонан, ахлоқий, ақлий меҳнат ва эстетик тарбия бўйича олиб борилаётган тадқиқотларимизда болани психологик-физиологик имкониятларидан келиб чиқиб миллий қадрияtlарга таянган холда олиб бориш зарурлигини кўрсатиб берди.

Шунга кўра мактабгача ёшдаги болаларни мактабга сифатли тайёрлашда тарбиячи машғулот жараёнида уни қизиқарлилигини, узоқ вақт эсида сақлаши учун турли инновацион усул ва методлардан фойдаланиши лозим бўлади.

Машғулот жараёнида компьютер технологиялари ва мультимедиали таълимдан фойдаланиши жуда самарали ёрдам бермоқда. Чунки кўриш орқали олинган маълумот болани хотирасида узоқ вақт сақланишига ёрдам беради.

Ушбу кузатишлар ва уларнинг таҳлили натижасида мактабгача таълим муассасаси 5-7 ёшли гурухларининг иккинчи тилни ўрганиш бўйича машғулотларида болаларнинг коммуникатив компетенцияларини шакллантиришда содда инновацион методларни ишлаб чиқдик.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, “Smart kids” деб номланган мавзулашган мультфильм тўпламини яратдик. Мультфильм 12 қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир мавзу анимациялар ва мавзуга оид янги сўзлардан ташкил топган.





- 1.Greetings-саломлашиш
- 2.Family-оила
- 3.Numbers-Рақамлар
- 4.Days of the week-Хафта кунлари
- 5.Seasons-ғасллар
- 6.Colours-Ранглар
- 7.Fruits-Мевалар
- 8.Vegetables-Сабзавотлар
- 9.Domestic animals-Үй хайвонлари
- 10.Wild animals-Ёввойи ҳайвонлар
- 11.Transport-Транспорт
- 12.Mybody-Менинг тана аъзиом

Миллий қаҳрамонлар асосида яратилган бу инновацион технологияда янги мавзу анимациялар ёрдамида ёритиб берилган ва болалар мултъфим қаҳрамонларнинг “дарси”дан зерикмайдилар. Хозирги кунда “Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг коммуникатив компетенцияларини шакллантиришда иккинчи тилини ўргатиш методикаси” деб номланган диссертация ишимизнинг тажриба-синов жараёнида бу инновацион технологиямизни жуда самарали эканлигини аниқладик.

Масалан, машгулог жараёнида педагог мультфильм қаҳрамонларидан фойдаланиб янги мавзуни тушинтирса, болалар хотирасида янги сўзлар худди кўнгилочар фаолият сифатида узоқ вақт сақланишига ёрдам беради.

“Илк қадам” дастурига кўра, мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришда компетенциявий ёндашув, ўсиг бораётган бола шахсини хаётга тайёрлаш, унда хаётий муҳим масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахлоқий меъёр ва қадриятларни ўзлаштиришини, бошқа инсонлар билан мулоқот қилиш, “Мен” образини кўриш билан боғлиқ бўлган фаолиятни шакллантиришни назарда тутади.

Ижтимоий компетенция-хаётний вазиятларда катталар ва тенгдошлари билан мулоқотда ахлоқ қоидаларига риоя қилган ҳолдаўзини тутиш маҳоратини шакллантиради.

Биз компьютер ва монитор орқали намойиш қилинган анимациялар бевосита болада ижтимоий компетенцияни шаклланишига ёрдам беради деб хисоблаймиз.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги «2017-2021 ийларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари



тўғрисида»ги ПҚ-2707-сон қарори.

- 2.Ўзбекистон Республикасининг ilk ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари. – Т., 2018.
- 3.«Илк қадам» мактабгача таълим муассасасининг давлат ўкув дастури. –Т., 2018.
- 4.Курбонов Ш., ва бошқалар. Баркамол авлод орзуси (“Кадрлар тайёrlаш миллий дастури”ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар). – Т.: “Шарқ”, 1998.
- 5.Халилова Ш., Насиров А. ва бошқалар. Бошлангич синфларда чет тилини ўқитишни жадаллаштириш методикаларини яратиш ва жорий этиш. Лойиҳа, – Т.: Маънавият, 2015.456.
- 6.Халилова Ш.Т., Рўзметова М.Ш., Носиров А. ва бошқалар. Бошлангич синфларда чет тилини ўқитишнинг психологик асослари ва самарали технологиялари. – Тошкент: ЎзПФИТИ нашриёти, 2015.
- 7.Таджибаева Да.А. Болалар учун чет тили. Мактабгача таълим муассасалари ва бошлангич синфларда чет тилидан дарс берадиган ўқитувчилар учун методик тавсиялар. - Т.: Навруз, 2016. 78 б.

**“ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯ” ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ  
ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИЛЛАРИ**

Кўлдашева Махмуда Нурматжоновна

Наманган давлат университети Бошлангич таълимда аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси, (PhD)

**Аннотация.** Мазкур мақолада “Иқтисодий ва ижтимоий география” фанини ўқитишнинг долзарб масалалари. “Иқтисодий ва ижтимоий география” фанини ўқитишнинг ташкилий модели. Иқтисодий ва ижтимоий география” фанини ўқитишнинг илмий-методик функциялари. Фан мавзуси бўйича вазифалари турларини структурни-операцион ечим услублари берилган.

**Калит сўзлар:** иқтисодий ва ижтимоий география, ўқитиш, илмий-методик функция, креатив фобилият, дидактик шарт-шароитлар, педагогик креативлик.

**ПРЕПОДАВАНИЕ ПРЕДМЕТА "ЭКОНОМИЧЕСКАЯ И СОЦИАЛЬНАЯ  
ГЕОГРАФИЯ" ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ**

Кулдашева Махмуда Нурматжоновна

PhD,

**Аннотация.** В статье рассматриваются актуальные вопросы преподавания предмета “экономическая и социальная география”. Организационная модель преподавания предмета “Экономическая и социальная география”. Научно-методические функции преподавания предмета “экономическая и социальная география”. Приведены структурно-операционные методы решения типов задач по предмету науки.

**Ключевые слова:** Экономическая и социальная география, преподавание, научно-методическая функция, творческая фобия, дидактические условия, педагогическое творчество.

**SENIOR LECTURER OF THE DEPARTMENT OF EXACT AND NATURAL SCIENCES  
TEACHING METHODS IN PRIMARY EDUCATION OF**